



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100011, Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 4, tel.: (998 71) 241-08-95, 241-68-95,
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@exat.uz

2022 йил “13” декабрь

11-39511 - сон

**Қорақалпоғистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш
бош бошқармаси ва вилоятлар
Соғлиқни сақлаш бошқармалари**

**Республика ихтисослаштирилган
педиатрия илмий-амалий тиббиёт
маркази**

**Тошкент педиатрия тиббиёт
институти клиникаси**

**Тошкент Тиббиёт академияси
клиникаси**

Топшириқ

Республика Ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг 2022 йил 2 декабрдаги 01/01-986-сонли хатини инобатга олиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 22 январдаги 01/03-411-сонли СанҚвам талаблари ижросини таъминлаш ва шифохона ичи инфекцияси тарқалишини олдини олиш мақсадида,

1. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий амалий тиббиёт маркази (Д.И.Ахмедова):

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий амалий тиббиёт марказида жорий таъмирлаш ва санитария тадбирлари 2022 йил 20 декабрдан 2023 йил 3 январга қадар ўтказилсин.

кўрсатилган муддатларда тегишлилиги бўйича марказ бўлимларида жорий таъмирлаш ва санитария тадбирлари ўтказилсин;

санитария тозалаш тадбирлари бошланишидан олдин 2022 йил 15 декабрдан бошлаб чақалоқлар патологияси, ой кунига етмай туғилган чақалоқларни парваришлаш, чақалоқлар патологияси реанимацияси ва интенсив терапияси, кичик ёшдаги болалар патологияси, неврология,

гастроэнтерология, пульмонология, кардиология, аллергология, гепатология, реанимация ва интенсив терапия бўлимларига bemorlarни қабул қилиш вақтингачалик тўхтатилсин;

марказнинг ёпилаётган бўлимларида даволанаётган bemorlarни умумий аҳволига кўра, уйига ва Тошкент шаҳар болалар шифохоналари, ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларига ўтказилиши таъминлансан.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари:

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий амалий тиббиёт марказида жорий таъмирлаш ва санитария тадбирлари 2022 йил 20 декабрдан 2023 йил 3 январга қадар ёпилиши муносабати билан марказнинг ёпилаётган бўлимларида даволанаётган bemorlar умумий аҳволига кўра, ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларига ўтказилаётган bemorlarни қабул қилиш чоралари кўрилсин;

Тошкент шаҳри ва Республиканинг бошқа ҳудудларидан келган bemor болаларни кўрсатилган йўналишлар бўйича электрон навбатга қўйиш ҳамда марказга юбориш тўхтатилсин ва ҳар бир ҳудуддаги вилоят муассасаларида (Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида ва х.к.) тегишли йўналиш бўйича даволаш ишлари ўтказилиши таъминлансан;

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий амалий тиббиёт марказида жорий таъмирлаш ва санитария тозалаш тадбирларини ўтказиш даврида кўрсатилган йўналишлардаги тиббий ёрдамга муҳтож bemor болаларни иловага мувофиқ тиббий ёрдам кўрсатилиши инобатга олинсин.

3. Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи (А.Алимов), Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси (А.Джалилов), Тошкент Тиббиёт академияси клиникаси (Д.Рустамова):

санитария тозалаш тадбирларини ўтказиш даврида **кўрсатилган йўналишлардаги тиббий ёрдамга муҳтож bemor болаларга иловага мувофиқ ёрдам** кўрсатилиши таъминлансан;

2022 йил 20 декабрдан 2023 йил 3 январга қадар даволаш-профилактика муассасаларида қабул қилинадиган bemor болалар сонининг ортишини инобатга олган ҳолда уларга ўз вақтида ва сифатли тиббий

ёрдамни ташкил қилиш мақсадида, қўшимча чоралар кўрилиши таъминлансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б. Юсупалиев):

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий амалий тиббиёт маркази фаолиятини давом эттирилишига, тавсия этилган тадбирларни тўлиқ бажарилгандан сўнг, ташқи муҳит ҳамда тиббий анжомлардан олинган намуналар лаборатор тахлилларининг ижобий натижаларига асосланиб рухсат берилсин.

6. Ушбу кўрсатма хати ижросини назорат қилиш вазирликнинг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи С.Убайдуллаева зиммасига юклатилсин.

Вазир ўринбосари



Э.Баситханова

Ижрочи: Р.Хантбаева
ID: 174802
Сана: 13.12.2022